ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

САДИНОВА НАФИСА УСМАНОВНА

ЎЗБЕК ТИЛИ ИШ ЮРИТИШ ТЕРМИНОЛОГИЯСИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УЎК:811.512.133’373.46:35.077 (043.3)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Садинова Нафиса Усмановна

Ўзбек тили иш юритиш терминологияси.....3

Садинова Нафиса Усмановна

Делопроизводственная терминология узбекского языка……...25

Sadinova Nafisa Usmanovna

The office-work terminology of the Uzbek languagy.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works….....51

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

САДИНОВА НАФИСА УСМАНОВНА

ЎЗБЕК ТИЛИ ИШ ЮРИТИШ ТЕРМИНОЛОГИЯСИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.Phd/Fil496 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ва “Ziyonet” ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мадвалиев Абдуваҳоб Патахович,**
филология фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: **Одилов Ёрқинжон Раҳмоналиевич,**
филология фанлари доктори, катта илмий ходим**.**

Абдиев Муродқосим Болбекович,
филология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: **Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “__” _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (871)233-36-50, факс: (871) 233-71-44; e-mail: uztafi@academy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 700170, Тошкент шаҳри Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2020 йил “___” _____ да тарқатилди.
(2020 йил “ ____” _____ даги рақамли реестр баённомаси).

Н.М.Маҳмудов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Ғ.М.Исмаилов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.ф.н.
катта илмий ходим

Д.Худойберганова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тадқиқот ишлари тарихий-қиёсий, систем-структур, семантик-семасиологик ва ономасиологик йўналишларда олиб борилаётганлиги, ҳар бир соҳага оид маълумотлардан фойдаланишни осонлаштириш мақсадида соҳа лексикасининг мукаммал луғатлари яратилаётганлиги ўзбек тилшунослигида ҳам айни шундай муаммоларни ҳал қилишда замонавий ёндашувларни тақозо этади. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда соҳа терминологияларини ўрганиш ишлари жадаллик билан ривожланмоқда.

Дунё тилшунослигида тил тараққиётини жамиятнинг, миллатнинг тараққиёти билан узвий боғлиқ тарзда ўрганиш ўта муҳим масалалардан ҳисобланади. Фан ва маданиятнинг беқиёс ривож топиши, ижтимоий-сиёсий алоқаларнинг тобора ўсиб бориши, бошқа терминологик тизимларда бўлгани каби, ўзбек тили иш юритиш терминологиясида ҳам ижобий ўзгаришлар бўлишига, айни пайтда, бу соҳа терминларида кўпмаънолилик, омонимлик, синонимлик, дублетлик ва вариантлиликнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бу лисоний ҳодисалар терминологияда жиддий нуқсон саналади ва терминологияга оид ишларда уларни бартараф этишга ҳаракат қилинади. Шундай экан, терминологик тизимларда мавжуд бўлган ёки юзага келаётган вариантлардан бирини танлаб олиш, термин сифатида тавсия этилаётган ёки мавжуд термин ўрнига алмаштирилаётган янги терминларни илмий асослаш энг мақбул йўл ҳисобланади. Ўзбек тилида мукаммал ҳужжатчиликни яратиш, унинг терминларини чегаралаб олиб ишлаб чиқиш эҳтиёжи бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Мустақиллик йилларида ҳужжатчилик ҳамда давлат бошқарувини ўзбек тилида юритиш масаласига жиддий эътибор берила бошланди. Она тилимиз қадрини тиклаш йўлидаги муҳим ҳодиса бўлган “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг қабул қилиниши ва ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъатнинг барча соҳаларини республика давлат тилида ривожлантириш ва идора, ташкилот, корхоналарнинг давлат тилида иш юритиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиб беришни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850 рақамли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мазкур фикрлар янада аниқ ифодаланиб, унда “давлат тилини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш; илмий асосланган янги сўз ва атамаларни истеъмолга киритиш; замонавий атамаларнинг ўзбекона муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланишини таъминлаш; давлат тилини ривожлантиришга оид

илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш”[1] каби масалалар мунтазам бажарилиши лозим бўлган асосий вазифалар сифатида белгиланган. Айни шу жиҳатлар ўзбек тилида мукаммал ҳужжатчиликни, иш юритиш терминологиясини ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳозирги куннинг долзарб зарурати эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни(1995), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 сентябрдаги 311-сонли “Давлат тили ҳақида”ги қонунни амалга ошириш давлат дастурига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарорида ҳамда ушбу фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон, рус ва ўзбек тилшуносликларида терминология ва унинг назарий асослари, терминга қўйилган талаблар, терминологик тизимларни тартибга солиш каби масалалар Г.О.Винокур, Д.С.Лотте, А.А.Реформатский, О.С.Ахманова, В.П.Даниленко, А.В.Суперанская, С.Акобиров, С.Усмонов, Н.Маматов, А.Ҳожиев, Р.Дониёров, А.Мадвалиев ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида махсус ўрганилган.[2]

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850 рақамли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони //Халқ сўзи, 2019 йил 22 октябрь.

[2] Винокур Г.О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии.//Труды МИФЛИ. Т.5. Сборник статей по языковедению. – М., 1939. – С.3-54; Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии. – М., 1961; Лотте Д.С. Как работать над терминологией. Основы и методы. – М., 1968; Лотте Д.С. Вопросы заимствования и упорядочения иноязычных терминов и терминоэлементов. – М.: Наука, 1982; Реформатский А.А. Что такое термин и терминология?/ Вопросы терминологии. – М., 1961. – С.46-54; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. Изд. 2. – М.: Советская энциклопедия, 1969; Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. – М.:Наука, 1977; Суперанская А.В., Подольская Н.В., Васильева Н.В. Общая терминология. Вопросы теории. – М.: Наука, 1989; Акобиров С.Ф. Тил ва терминология. –Тошкент, 1968; Акобиров С. Терминология ишининг мазмуни ва вазифалари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1964. – № 3. – Б. 31-38; Усмонов С. Ўзбек терминологиясининг баъзи масалалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1968;

Бевосита иш юритиш терминологиясига келганда шуни айтиш керакки, рус илмий-услубий адабиётидаги мавжуд бир қатор нашрларда биринчи ўринда терминлар эмас, балки иш юритиш жараёнининг ўзи, бу жараёнда қўлланадиган ҳужжатлар ва уларнинг номланиши, шаклу шамойили, тузилиш тартиби, ҳужжатларнинг зарурий қисмлари (реквизитлари) ва ҳужжатдаги жойлашуви (тартиби), ҳужжатларнинг услубий хусусиятлари ўрганилган.[3] Айни шундай ўқув-услубий қўлланмалар шўролар даврида Ўзбекистонда ҳам яратилган, лекин уларнинг аксарияти рус тилида ёзилган ва ҳужжатларнинг русча шаклидан нусха кўчиришга асосланган бўлиб, уларда термин масаласига деярли эътибор берилмаган эди.[4]

Ўзбек ҳужжатчилиги ва унинг терминологияси узоқ тарихимизнинг илк даврларидаёқ пайдо бўлиб, ўзига хос анъаналар, ўзига хос шакл ва услубларда ривожланиб келган, лекин замонавий иш юритиш (ҳужжатчилик) терминологиясига ўтган асрнинг 20–30-йилларидагина бир қадар эътибор қаратилиб, иш юритиш ҳужжатлари ва терминологияси бўйича жуда ҳам содда қўлланма ва русча-ўзбекча, ўзбекча-русча луғатлар яратилди.[5] Иш юритиш терминлари ёндош соҳалар бўйича ўша даврда яратилган бошқа терминологик луғатларда[6] ҳам кўрсатиб ўтилган. Лекин 30-йилларнинг 2-ярмидан сўнг авж олган руслаштириш сиёсати сабабли кейинги йилларда, то 1990 йилларгача мамлакатимизда иш юритиш соҳаси, бинобарин, унинг терминологияси ҳам бевосита ўзбек тили негизида ривожлантирилмади. Фақат 80-йиллар охирларида, хусусан, мамлакатимизда “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан кейин ва республикамиз мустақиллиги йилларида расмий услубни, иш юритиш терминологиясини

Ҳожиев А. Термин танлаш мезонлари. Ахборот. 11 – 12-чиқарув. – Тошкент: Фан, 1996; Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. – Тошкент: Фан, 1977; Дониёров Р. Ўзбек тилининг илмий-техникавий терминлари тарихидан.– Тошкент: Фан, 1979; Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017.

[3] Белов А.Н., Белов В.Н. Корреспонденция и делопроизводство. Изд. 3. – М., 1988; Васильева В.Д., Лермонтов М.А. Составление и оформление служебных документов. – М.: Статистика, 1980; Веселов П.В. Современное деловое письмо в промышленности. – М.: Изд-во стандартов, 1970; Головач А.С. Оформление документов. Изд. 2. – Киев-Донецк: Вища школа, 1983; Лихачев М.Т. Организация делопроизводства в научных учреждениях. – М.: Экономика, 1986; Осипова Г.Ф. Работа руководителя с документами. Изд.2. – М.: Экономика, 1983 ва б.

[4] Митяев К.Г., Митяева Е.К. Административная документация (делопроизводство). Изд.2. – Ташкент: Узбекистан, 1968; Методические указания по составлению деловой документации (Составила Г.Гафурова). – Ташкент, 1985; Оформление деловых бумаг: методические указания. – Ташкент: ТашГосМИ, 1982; Турдиев Б. Ёзма нутқни ўстириш юзасидан практикум. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980.

[5] Громатович К. Образцы деловых бумаг. – Jş qağazlarь nəmγnələri. – Taşkent: Өzdəvnəşr, 1930; Bolatov J., Jljazov B. Rusca-өzbekcə işjγrγtγş terminlarь sөzligi. – Taşkent – Baku, 1933; Jljazov B. Өzbekcə-rusca işjγrγtγş terminlarь sөzligi. – Taşkent – Qazan, 1934.

[6] Тўрақулов Н.Ўзбек-рус тилининг сиёсий-ижтимоий луғатчаси. – Тошкент, 1922 (ўзбекча қисми араб графикасида); Ҳасан М. Ўзбекча сиёсий-ижтимоий луғат. – Самарқанд–Тошкент: Ўздавнашр, 1926 (араб графикасида); Ғози Олим (Юнус). Русча-ўзбекча қисқа ҳуқуқий ва сиёсий луғат. – Тошкент: Ҳуқуқнашр, 1926 (ўзбекча қисми араб графикасида); Sarьmsaqof K. Rusca-өzbekcə mə’mγrii-xuquq luğatь. – Taşkent: Өzdəvnəşr, 1933; Qariyev M. Qisqaca rusca-ozbekca buxgalterija terminlari luğati. – Taşkent: ӨzFAN, 1940.

ўрганишга алоҳида эътибор берилди: иш юритиш бўйича мукаммал қўлланмалар яратилди, бир қанча терминологик луғатлар нашр этилди, мақолалар ёзилди, диссертациялар ёқланди.[7]

Д.А.Бобохонованинг номзодлик диссертациясида расмий-иш услуби ёритилган ва ҳужжатлар матнининг грамматик хусусиятлари очиб берилган бўлса[8], А.Мамажоновнинг докторлик диссертациясида расмий услубдаги матнларнинг синтактик хусусиятлари ёритилган.[9] Ш.Н.Кўчимов тадқиқотларида эса иш юритиш лексикасига бевосита алоқадор бўлган қонунлар тили ўрганилган.[10] Натижада ҳужжат ёзиш услуби бир қадар такомиллашди, терминлар маълум даражада тартибга солинди.

Тарихий ҳужжатлар, уларнинг тили ва услуби, терминологияси бевосита ёки ёндош терминологик тизимлар лексикаси билан боғлиқ ҳолда Ҳ.Дадабоев, Қ.Содиқов, Қ.Омонов, Қ.Эргашев ва бошқалар томонидан ўрганилган.[11]

Сўнгги йилларда иш қоғозларини, иш юритиш терминларини ҳамда уларнинг прагматик хусусиятларини ўрганишга бағишланган мақолалар ҳам пайдо бўлди.[12]

---

[7] Маҳмудов Н., Мадвалиев А., Маҳкамов Н., Аминов М. Ўзбек тилида иш юритиш. – Тошкент: ЎзСЭ Бош редакцияси, 1990; Ризаев С. Иш қоғозларининг айрим намуналари (Некоторые образцы деловых бумаг). – Тошкент: Меҳнат, 1990; Имомова Т.З., Тухватуллина Л.А. Иш қоғозлари қандай ёзилади? – Тошкент, 1992; Мадвалиев А., Маҳкамов Н. Ўзбек тилида иш юритиш атамаларини тартибга солиш ҳақида // Ўзбек тили атамашунослиги. Ахборот. 5 – 6-чиқарув. – Тошкент: Фан, 1992. – Б.40-43; Ҳужжатлар: архив ишига доир русча-ўзбекча қисқача изоҳли луғат (тузувчилар: Р.Файзиева, Р.Шомансурова) – Тошкент, 1993; Маҳкамов Н., Мадвалиев А.Ф., Панасенко Э. ва б. Иш юритиш атамаларининг русча-ўзбекча қисқача луғати. – Тошкент: Фан, 1994; Панасенко Э.Д., Холл М.А., Маҳкамов Н., Мадвалиев А.П., Панасенко И.Ю. Қисқача русча-ўзбекча-инглизча иш юритиш луғати. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995 (кейинги нашри – Тошкент: Зарқалам, 2005); Аминов М., Мадвалиев А., Маҳкамов Н., Маҳмудов Н. Иш юритиш. Амалий қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000 (Бу қўлланма 2000 – 2017 йилларда 8 марта нашр этилган. Ишда қўлланманинг тузатилган ва тўлдирилган 5-нашридан фойдаланилди.).

[8] Бабаханова Д.А. Официально-деловой стиль современного узбекского литературного языка: Дисс.... канд.филол.наук. – Ташкент, 1987.

[9] Мамажонов А. Ўзбек тили қўшма гапларининг стилистик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 1991.

[10] Кўчимов Ш.Н. Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тили: Филол. фан. номз.... дисс. ва дисс. автореф. – Тошкент, 1995; Кўчимов Ш.Н. Ҳуқуқий нормаларни ўзбек тилида ифодалашнинг илмий-назарий муаммолари: Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2004.

[11] Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI – XV вв. – Ташкент, 1991; Содиқов Қ. Эски уйғур ёзуви. – Тошкент, 1989; Содиқов Қ. Аждодларимиз битиги. – Тошкент: Фан, 1990; Содиқов Қ. XI – XV аср уйғур ёзувли туркий ёдгорликларнинг график-фонетик хусусиятлари: Филол. фан д-ри... дисс. – Тошкент, 1992; Омонов Қ.Ш. XI – XV асрларда уйғур хатида битилган имтиёз ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжатларининг лисоний-услубий тадқиқи: Филол. фан. номз.... дисс. – Тошкент, 1997; Омонов Қ.Ш. Туркий расмий услубнинг юзага келиши ва такомили (илк ва ўрта асрлар): Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2016; Эргашев Қ. Ўзбек насрида иншо. – Тошкент: Muharrir, 2011.

[12] Худойберганова Д. Мустақиллик даврида иш юритиш лексикаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 2017. – № 4. – Б. 13-17; Лутфуллаева Д. Расмий иш ҳужжатлари матнида прагматик мақсаднинг ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 2019. – № 3. – Б. 19-24.

Иш юритишга оид, маъмурий-ҳуқуқий терминлар қозоқ ва бошқа туркий тиллар, шунингдек, тожик тилида ҳам у ёки бу даражада ўрганилган.[13]

Бугунги кунга қадар олиб борилган тадқиқотларда ўзбек тили иш юритиш терминологияси яхлит ҳолда махсус тадқиқ этилмаганлиги ушбу мавзунинг монографик планда ўрганилишини тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Навоий давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг "Ўзбек тилшунослигининг назарий ва амалий масалалари" йўналишида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўзбек тили иш юритиш терминологиясининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи, шаклланиш манбаларини, ҳужжатлар тили ва услубини ўрганиш орқали соҳа терминларини тартибга солиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иш юритишга оид ҳужжатлар ва иш юритиш терминлари тарихини ишончли манбалар асосида ўрганиш;

иш юритиш терминларининг ҳосил бўлишидаги маҳсулдор усулларни аниқлаш;

ҳужжатларнинг тузилиш услубини тадқиқ этиш;

ҳужжатлар тилини услубий-грамматик жиҳатдан таҳлил этиш;

тўқсон йил мобайнида тузилган, иш юритишга алоқадор луғатларни қиёсий ўрганиш;

тартибга тушмаган ва илмий асосланмаган иш юритиш терминларини таҳлил қилиш ва уларни меъёрлаштириш, тартибга солиш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;

иш юритиш терминларининг қисқача изоҳли луғатини тузиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қарийб 90 йил мобайнида Ўзбекистонда яратилган, иш юритишга бевосита ёки билвосита алоқадор бўлган терминологик луғатлар ва "Ўзбек тилида иш юритиш", "Иш юритиш" амалий қўлланмалари ҳамда беш жилдли "Ўзбек тилининг изоҳли луғати", "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" материаллари танланган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек тили иш юритиш терминологияси доирасида ишлатилаётган лексик бирликлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Мавзуни тадқиқ этишда ўзбек тилшунослигидаги умумназарий қарашларга асосланилди. Шунингдек, иш

---

[13] Ергазиева Н.И. Обогащение официально-деловой лексики в казахском языке / Проблемы казахской терминологии. – Алма-ата: Наука, 1986. – С. 55-64; Айтбаев О. Основы казахской терминологии. – Алматы: Арыс, 2000; Шокиров Т.С. Формирование и развитие юридических терминов таджикского языка: Автореф. дисс.... д-ра филол наук. – Душанбе, 2011; Шокиров Т.С. Юридические термины и их лингвистические особенности. – Худжанд: Аврангзеб, 2017.

юритиш терминологиясидаги даврлараро фарқларни, давр хусусиятларини очиб беришда, луғатлардан фойдаланишда компонент таҳлил, қиёсий, статистик методлардан ҳам фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иш юритиш ҳужжатлари тили ва лексикасининг шаклланиш тарихи ўрганилиб, манбалар асосида ёритиб берилган;

соҳа терминологияси шаклланиши ва бойишининг ички ва ташқи манбалари ишончли фактлар асосида белгиланган;

иш юритиш терминларининг ҳосил бўлиш усуллари аниқланиб, терминларнинг структур таҳлили амалга оширилган;

иш юритиш ҳужжатларининг матний, услубий-синтактик хусусиятлари ўрганилган ва кенг қўлланувчи синтактик конструкциялар аниқланган;

“Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг иш юритиш терминологиясини қайта шакллантиришдаги аҳамияти далиллар асосида кўрсатилган;

иш юритиш терминологиясида нуқсон саналган синонимия, дублетлик, вариантлилик ҳодисалари ўрганилган ва уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иш юритиш соҳасида синоним, дублет, вариант шаклларда қўлланаётган луғавий бирликларни меъёрлаштириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар бу соҳада юзага келаётган чалкашликларнинг олдини олишга хизмат қилади;

иш юритиш доирасида амал қиладиган расмий иш услубини грамматик жиҳатдан тадқиқ ва таҳлил қилиш натижасида олинган хулосалар “Давлат тилида иш юритиш”, “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Стилистика” ва “Нутқ маданияти ва услубият асослари” фанлари бўйича яратилаётган дарслик ва ўқув қўлланмалар учун манба ва материал сифатида хизмат қилади;

иш юритиш терминологиясига бевосита ва билвосита алоқадор 1400 дан ортиқ терминларнинг маъноси изоҳланган “Иш юритиш терминларининг қисқача изоҳли луғати”нинг тузилиши “Давлат тилида иш юритиш” фанини ўзлаштиришда, шунингдек, корхона, муассаса ва ташкилотларда иш қоғозлари билан ишлашда қулайлик туғдиради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, хулоса ва натижаларда аниқ илмий манбаларга таянилгани, чиқарилган илмий хулосаларнинг тавсифий, структур, қиёсий, статистик таҳлиллар билан асослангани, терминларни таҳлил қилишда аниқ амалий манбалардан фойдаланилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда ўзбек тилида иш юритиш терминологияси узоқ тарихий йўлни босиб ўтганлиги назарий жиҳатдан

асосланди, ҳужжатлар тили бевосита тарихий ва замонавий манбалар асосида ўрганилиб, ўзбек тилида иш юритиш терминологиясининг ривожланиши, бугунги ҳолати ва меъёрлаштирилиши каби масалалар юзасидан асосли фикрлар баён этилди. Диссертация хулосалари нафақат иш юритиш терминологияси, балки бошқа гуманитар фанлар терминологиялари соҳасида ҳам келгусида олиб бориладиган тадқиқотлар учун назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ўқув юртларининг филология факультетларида “Давлат тилида иш юритиш”, “Нутқ маданияти ва услубияти асослари”, “Ўзбек тили стилистикаси” ва “Матн лингвистикаси” каби фанларни ўқитишда, иш юритиш бўйича маъруза ва семинар машғулотларини ташкил этишда, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тили иш юритиш терминологиясининг шаклланиши ва ривожланишини, ҳозирги ҳолатини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар ва хулосалар асосида:

диссертацияда таҳлил қилинган ва бевосита иш юритиш лексикасига алоқадор *амлокдор, дафтардор, девонбеги, маҳрам, мунший, парвоначи, қутидор* каби амал, мансаб номларини билдирувчи тарихий терминлар; *авизо, баённома, билдиришнома, буйруқ, васиятнома, далолатнома, йўриқнома, кўчирма* каби ҳужжат номлари; *аноним, аттестация, вакансия, дубликат, йўқлама, кунбай, муншаот, огоҳлантириш, таътил, устама* каби терминлар; *аккорд иш ҳақи, даъво аризаси, ижара шартномаси, меъёрий ҳужжат* кўринишидаги бирикма терминлар изоҳларидан ФА-Ф8-034 рақамли “Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг ривожланиш тамойиллари” мавзуидаги фундаментал лойиҳа доирасида яратилган кўп жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”даги тегишли луғат мақолаларини ёзишда, мазкур луғавий бирликларни изоҳлашда фойдаланилган (ЎзР Фанлар академиясининг 2019 йил 17 сентябрдаги 3/1255–2490-сонли маълумотномаси). Натижада луғатдаги айни терминлар ва тушунчаларнинг изоҳлари тўлдирилди ва такомиллашди, луғатнинг мазмуни ва сифати янада мукаммаллашди;

шунингдек, диссертациядаги *адрес – манзил, тураржой, акт – далолатнома, устав – низом, шартнома, битим; меҳнат битими, хизмат маълумотномаси, шахсий маълумотнома* сингари 40 дан ортиқ иш юритиш терминларининг таҳлилларидан ФА-Ф1-Г041 рақамли “Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш” номли фундаментал лойиҳанинг биринчи йўналишини ёзишда; диссертацияда ўрганилган ва иш юритишга бевосита ёки билвосита алоқадор бўлган *аванс – бўнак, адресант, адресат, бланк, виза, гувоҳнома, ёзишма, жарима, илтимоснома, имзо, кворум, кенгаш,*

назоратчи, нота, нотариус, пенсионер, рағбатлантириш, реквизитлар, рухсатнома, қарор; вербал нота, ёпиқ мажлис, ижара шартномаси, ишонч ёрлиғи, мансабдор шахс, маъмурий жавобгарлик, юридик шахс каби юздан ортиқ терминологик бирликларнинг таҳлил ва изоҳларидан лойиҳанинг учинчи йўналиши – “Ижтимоий-сиёсий терминларнинг қисқача изоҳли луғати”ни тузишда фойдаланилган. (ЎзР Фанлар академиясининг 2019 йил 17 сентябрдаги 3/1255 – 2490-сонли маълумотномаси). Диссертация натижаларидан, терминлар таҳлили ва изоҳидан фойдаланиш лойиҳа бўйича бажарилган тадқиқот ва тузилган луғатнинг мукаммал ва сифатли бўлишини таъминлади;

диссертация натижалари ва хулосаларидан, хусусан, *-нома* аффиксоиди ёрдамида ҳосил қилинган ўнлаб ҳужжат номлари изоҳларидан ХТ-Ф 2-004 рақамли “Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари” мавзуидаги ёш олимлар фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 январдаги 89-03-331-сонли маълумотномаси). Диссертация натижаларидан, ҳужжат номлари таҳлили ва изоҳидан фойдаланиш ўқувчиларнинг компьютер техникаси воситасида мустақил фикрлашга доир билимларини ошириш учун тузиладиган савол-топшириқларнинг мукаммал ва сифатли бўлишини таъминлади;

диссертациядаги таҳлиллар ва хулосалар асосида ўзбек тилида иш юритишга алоқадор бўлган 1400 дан ортиқ терминологик бирликни қамраб олган “Иш юритиш терминларининг қисқача изоҳли луғати” (Тошкент, 2019. – 160 бет) яратилди (Луғат Навоий давлат педагогика институти илмий кенгашининг 2019 йил 28 февралдаги 7-сонли йиғилиш қарори билан нашрга тавсия этилган). Ушбу луғат иш юритиш соҳасида фаолият юритувчи мутатахассисларга муҳим манба бўлиш билан бирга соҳа терминологиясини тартибга солишга ҳам катта ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза шаклида баён қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 35 та илмий иш нашр этилган. Шундан 1 та изоҳли луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола (7 таси республика, 2 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 156 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, унинг натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби "**Ўзбек тилида иш юритиш терминологиясининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи ҳамда унинг ўрганилиш манбалари**" деб номланиб, унда ҳужжатчилик ва иш юритиш терминологиясининг шаклланиши ҳамда ҳозирги кундаги такомилида тарихий жараённинг ўрни ва иш юритиш терминологиясининг тараққиёт босқичларига эътибор қаратилган.

Бобнинг "Ўзбек тилида иш юритиш терминологиясининг шаклланиш тарихи ва ўрганилиши" деб номланган биринчи бўлимида ўзбек ҳужжатчилиги ва унинг терминологияси узоқ тарихимизнинг илк даврларидаёқ пайдо бўлиб, ўзига хос анъаналар, ўзига хос шакл ва услубларда ривожланиб келгани, туркий тилнинг расмий доиралардаги мавқеи қардош халқлар тилларига ҳам сезиларли таъсир кўрсатганлиги ҳақида сўз юритилган.

XVI асргача ҳужжатлар икки услубда: 1) араб ёзувидаги, услуби ва лексикаси ўзига хос ҳужжатлар; 2) уйғур хатидаги, услуби ва лексикаси ўзига хос ҳужжатлар шаклида ривожланган. Ҳар иккала услуб ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Чунончи, уйғур ёзувидаги расмий матнлар ўзлашган сўзларнинг озлиги, соф туркий сўзлардан фойдаланилганлиги билан характерланади: *раъйат, фуқаро* ўрнида *эл, киши*; *котиб* ўрнида *битигчи* қўлланган, сана ҳам туркий ҳисоб билан берилган.

Туркий расмий услубнинг юзага келиши ва такомилини махсус тадқиқ этган Қ. Омоновнинг фикрига кўра, ўрта асрларда мўғул, форс, хитой, рус тилларида битилган ҳужжатларнинг матн компонентлари шаклланишига туркий ҳужжатчилик самарали таъсир кўрсатган. Тилшунос бу фикрини асослашда айнан ҳужжатларнинг унвон қисмида қўлланувчи "*сўзим*" ёки "*сўзимиз*" жумласига таянади. Мўғулча ҳужжатларда қўлланган "*уги ману*" бирикмаси Чингизхон даврида давлат маҳкама ишларида етакчи ишларни бажарган туркий халқлар томонидан киритилган. Ўрта асрларда битилган форсча ёрлиқлар унвонининг андозаси ҳам туркий ҳужжатчиликдан ўзлаштирилган бўлиб, улар туркий тилда қўлланган шаклда берилган. Туркий ҳужжатчилик анъанаси ўрта аср рус давлат маҳкамачилигига ҳам таъсир этиб, рус князлари 1492 йилдан

эътиборан ўз ҳужжатларида туркий унвонларга хос бўлган *сўзим* шаклини *слово мое* шаклида қўллай бошлаганлар.[14]

Кейинги асрларда араб ва форс-тожик тилларининг жамият ҳаётига, жумладан, давлатнинг идора ишларига ҳам таъсири кучайганини кўрамиз. XIX асргача ҳам ўзига хос иш юритиш тизими ва бир қатор ҳужжат турлари шаклланган бўлиб, Ўрта Осиёда қуйидаги ҳужжатлар амалда бўлган: *ариза, ёрлиқ, васиқа, пайза / байза, фармон, фатво, дархонлиқ / тархонлиқ, васийатнома, инойатнома* каби.

XX асрнинг бошларида, хусусан, 20 – 30-йилларида мамлакатимизда ҳужжатчилик бевосита ўзбек тилида юритилмади: бу соҳадаги асосий йўналиш рус тилидан нусха кўчиришдан иборат бўлиб қолди. Бошқа соҳалар каби иш юритиш соҳасида ҳам тўғридан-тўғри рус тилидан кўплаб сўзлар қабул қилинди. Ўша даврларда нафақат арабча ва форсча сўзлар, балки соф ўзбекча сўзлар ҳам русча-байналмилал сўзлар билан алмаштирилди: *таътил – отпуска, фаол – актив, тажриба – практика, буйруқ – приказ, вазир – министр, жарима – штраф* каби.

Замонавий иш юритиш (ҳужжатчилик) терминологиясига 80-йиллар охирларидагина, хусусан, мамлакатимизда “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан кейин ва республикамиз мустақиллиги йилларида алоҳида эътибор берилган ва жиддий ўрганила бошлаган.

Бобнинг **“Иш юритиш терминологиясининг шаклланиш манбалари”** деб номланган иккинчи бўлимида иш юритиш терминологиясининг генетик таркиби, ўз ва ўзлашма қатлам масалалари ўрганилди.

Ўзбек тили иш юритиш терминологияси доирасида амал қилувчи сўзларнинг маълум қисмини қадимдан ўзбек тилида қўлланиб келган, ўзбек адабий тили бойлигининг бир қисми ҳисобланган умумтуркий сўзлар ташкил қилади. Шунингдек, турли хил аффикслар ёрдамида ҳосил қилинган луғавий бирликлар ҳам шу соҳани бойитувчи ички манба ҳисобланади.

Иш юритиш терминологиясининг таркиби ўзбек халқининг кўп асрлик тарихий тараққиёти заминида шаклланиб, бугунги кўринишга келган. Шу сабабли, ундаги терминлар ҳосил бўлиш манбаи ва вақти жиҳатдан турли даврларга тўғри келади. Манбаларни таҳлил қилганда, қуйидаги маълумотларга дуч келдик:

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида ўша даврдаги иш юритишга алоқадор деб белгиланган 90 дан ортиқ сўздан фақат биттаси – *амір* (варианти – *ҳамір*) сўзи арабча бўлиб, қолганлари умумтуркий қатламга мансубдир. Шунингдек, луғатда *бітіді, білді /*

[14]Омонов Қ. Эски туркий расмий матнлар дипломатикасининг қўшни мамлакатлар ҳужжатчилигига таъсири // Ўзбек тили ва адабиёти, 2017. – №6. – Б. 91-92.

білдірді, көчүрді каби феъллар ҳам учрайдики, улар ҳозирги кундаги *билдириш, кўчирма* сингари ҳужжат номлари учун асос вазифасини ўтаган.

Юсуф хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асаридаги сўзлар асосида тузилган изоҳли луғатда[15] иш юритишга алоқадор бўлган 120 дан ортиқ сўз-терминни аниқладик. "Девону луғотит турк"дан фарқли равишда, бу сўз-терминлар орасида 35 та арабча ва 3 та форсча сўз учради.

Алишер Навоийнинг "Муҳокаматул луғатайн", "Муншаот", "Вақфия" ва бошқа асарларида учровчи иш юритишга оид терминлар орасида арабча ва форсча сўзлар миқдори янада ошганлигини кўрамиз.

"Бобурнома"нинг тили бўйича яратилган иккита изоҳли луғатни[16] ўрганиш натижасида унда иш юритишга доир 160 тадан ортиқ сўз-термин, жумладан, 80 та арабча, 24 та форсча, 6 та мўғулча ва 2 та ҳиндча сўз қўлланганини аниқладик. Бундан ташқари, *арзадошт, иноятнома, мулкгирлик, офтобачи* каби араб, форс, туркий тиллар элементлари қўшилувидан ҳосил қилинган гибрид терминлар ҳам учрайди.

Ўзбек тилида сўз ясашнинг учта ҳолати қайд этилган. Шу фикрга асосланиб, соҳага оид ясама терминларни учга бўлдик:

1) асли ўзбекча сўзлардан ўзбекча қўшимчалар ёрдамида ясалган терминлар: *бирлашма, битирувчи, бошлиқ, бошқарма, бузғунчилик, буйруқ, буюртмачи, бўлим, бўшамоқ, қатнашчи, қўлланма*;

2) ўзлашма сўз + ўзбекча восита шаклида ясалган терминлар. Бу ўз навбатида, бир неча турга бўлинади: тожикча сўз + ўзбекча қўшимча ёрдамида ясалган терминлар: *гувоҳлик, ногиронлик, огоҳлантириш*; арабча сўз + ўзбекча қўшимча ёрдамида ясалган терминлар: *вазирлик, ворислик, жабрланувчи, ижрочи, имзосиз (хат), иқтисодчи, кафиллик, маслаҳатчи, мустақиллик, назоратчи* каби; байналмилал сўзлардан ўзбекча қўшимчалар ёрдамида ясалган терминлар: *архивчи, биржачи, лаборантлик, агентлик* каби;

3) бошқа тиллардан ўтган аффикслар ёрдамида ўз ва ўзлашган сўзлардан ясалган терминлар: *архившунос, акциядор, маълумотнома, билдиришнома, далолатнома, ишончнома, йўриқнома* каби.

Ташқи манба – чет тиллардан сўз ўзлаштириш бўлиб, арабча, форс-тожикча ва русча-байналмилал сўзлар ўзлашган қатламнинг асосини ташкил этади. Ҳозирги ўзбек тили иш юритиш терминологиясида арабча ва форсча-тожикча сўзлар салмоқли ўрин тутади. Масалан, *баён, вакил, васият, далолат, далил, даъво, идора* каби арабча сўзлар; *бозор, гаров, гувоҳ, даромад, девон, зиён, нарх* каби форс-тожикча сўзлар ҳозирги иш юритишда фаол қўлланади. XIX асргача ўзбек тилининг барча соҳаларига

[15] Dadaboyev H., Xolmuradova M. "Qutadg'u bilig"dagi so'zlarning o'zbekcha, ruscha va inglizcha izohli lug'ati. – Toshkent: Navro'z, 2018 (келтирилган мисоллар, уларнинг саҳифалари ва транскрипцияси шу луғат асосида кўрсатилди).

[16] Назарова Х. Заҳириддин Муҳаммад Бобир асарлари учун қисқача луғат. – Тошкент: Фан, 1972; Исҳоқов Ф. "Бобурнома" учун қисқача изоҳли луғат. – Андижон: Андижон нашриёт-матбаа ОАЖ, 2008.

араб, форс-тожик тилларининг таъсири жудаям кучли бўлиб, бу айниқса, иш юритиш соҳасида кўпроқ намоён бўлган. Шу билан бирга, арабча ва форсча-тожикча сўзлардан ўзбек тилининг ички имкониятлари асосида янги сўзлар ҳосил қилинган. Бу, айниқса, иш юритиш соҳасидаги ҳужжат номларида яққол кўринади: *баённома, васиятнома, далолатнома, тавсифнома, ташаккурнома, шартнома, билдиришнома, йўриқнома, сўровнома* каби.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан Ўрта Осиё чор Россияси томонидан босиб олиниши натижасида янгича иш бошқариш усули жорий этилди ва бу, ўз навбатида, ўзбек тилига янгича иш бошқаришга оид ҳорижий сўзларнинг кириб келишига сабаб бўлди: *ведомость, гарантия, директива, консультация, контроль, метрика, протокол, рапорт* каби. Бу сўзларни ҳамма вақт ҳам рус тилидан ўзлашган дейиш тўғри бўлмайди. Иш юритиш соҳасига ўзлашган сўзларнинг аксарияти байналмилал бўлиб, ўзбек тилига рус тили орқали юнон, лотин, француз, инглиз, итальян, немис, поляк тилларидан ўзлашган. Масалан, юнон тилидан: *базис, библиография, картотека, кафедра, метод*; лотин тилидан: *акциз, архив, аттестат, аукцион, дебитор, инвалид, нотариус, пенсия* ва ҳоказо.[17]

Иш юритиш соҳасида рус тилидан калькаланган терминлар салмоқли қисмни ташкил этади. Калька тилда мавжуд бўлмаган тушунчаларни тилда мавжуд бўлган бирликлар воситасида ифодалаш имконини беради. Бу ҳолат эса тилимизда хорижий сўзларнинг ҳаддан ортиб кетиш хавфининг олдини олади. Иш юритиш соҳасида *вақтинчалик иш* (временная работа), *иш юритиш* (делопроизводство), *меҳнат дафтарчаси* (трудовая книжка), *меҳнат шартномаси* (трудовой договор) каби бирикма терминлар тўлиқ калька ва *академик таътил* (академический отпуск), *кадрлар бошқармаси* (управление кадрами) каби бирикма терминларлар ярим калька шаклида ҳосил қилинган.

Тўлиқ калькаларни тўлалигича ўз, ички имкониятлар асосида ясалган дейиш мумкин, чунки бу бирикмалар тўлиғича ўзбек тилининг ўз имкониятлари билан ҳосил қилинган.

Охирги йилларда электрон иш юритишнинг жорий қилиниши ва ривожланиши муносабати билан соҳага кўплаб бирикма терминлар кириб келди: *электрон ҳужжат, электрон хат, электрон имзо, электрон ҳужжат юритиш, электрон ҳужжат айланиши* ва ҳоказо.

Диссертациянинг “**Иш юритиш терминологиясининг лингвистик хусусиятлари**” деб номланган иккинчи бобида иш юритиш соҳаси терминларининг ясалиш усуллари ва услубий-синтактик хусусиятлари очиб берилган.

[17]Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006–2008.

Иккинчи бобнинг биринчи бўлимида иш юритиш терминларининг тузилиши ва ясалиш усуллари таҳлил қилинган.

Терминологияга оид ишларда термин ясалишининг уч хил усули кузатилади: семантик, морфологик, синтактик усул. Ишимизда маҳсулдор бўлгани учун морфологик, синтактик усулларнинг соҳа терминларини ҳосил қилишдаги хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилдик.

Кузатишларимиздан маълум бўлдики, иш юритиш терминларини ҳосил қилишда 20 га яқин сўз ясовчи қўшимчадан фойдаланилган, лекин уларнинг бу соҳа терминларини ҳосил қилишдаги имкониятлари бир хил эмас. *-ма, -чи, -лик, -(у)в, -қ(-иқ, -уқ, -ик), -им, -дор, -лаш, -лаштириш* каби қўшимчалар ва *-нома, -хона* аффиксоидларининг иш юритиш терминларини ҳосил қилишда фаол иштирок этиши кузатилади. Морфологик усул билан термин ясашда қўшимчаларнинг махсуслашиши рўй беради. Иш юритишга оид ясама терминларни ҳосил қилишда *-нома* аффиксоидининг фаоллашгани ва ҳужжат номларини ясовчи қўшимча сифатида махсуслашгани кузатилади. “Қисқача русча-ўзбекча-инглизча иш юритиш луғати”да *нома* сўзи ёрдамида ҳосил қилинган 30 дан ортиқ термин қайд этилган. Муайян аффикс ёки аффиксоидларни махсуслаштириш орқали қисқа, аниқ ва моносемантик терминларни ҳосил қилиш, бирикма ва тавсифий терминлардан қутулиш мумкин бўлади.

Иш юритиш соҳасига оид қўшма терминлар ясалиш моделига кўра қуйидаги кўринишларда бўлади: от + от: *хатжилд, йилчорак, юкхат;* сифат + от: *қимматбаҳо, хомашё;* сон + ясама от: *бирбутунлик, ўнкунлик;* олмош + феъл: *кимошди;* равиш + от: *камунум, каммаҳсул.*

Қўшма сўзларнинг кўпчилиги сўз бирикмаси орасидаги синтактик алоқанинг йўқолиши натижасида вужудга келган. Лекин жуда кўп янги тушунчалар сўзлар орасидаги синтактик алоқани сақлаган ҳолда, яъни сўзлар синтактик йўл билан бириккан ҳолатда номланади ва бирикма терминлар ҳосил қилинади. Иш юритиш терминологиясида бирикма терминлар миқдор жиҳатдан асосий ўринни эгаллайди. Кейинги даврларда ҳам иш юритиш соҳасида бирикма терминларнинг юзага келиши кузатилмоқда. Жумладан, тилшунос Д.Худойберганова “Иш юритиш” амалий қўлланмаси муаллифлари томонидан тавсия этилган *босма иш қоғози, розилик белгиси, қистирма илова, ҳужжатлар йиғмажилди, қайта тикланган нусха, ташриф варақчаси, меҳнат битими, хизмат маълумотномаси, шахсий маълумотнома, тасдиқлаш устхати* каби бирикма терминларнинг ўзбек тили имкониятлари асосида ҳосил қилинганини таъкидлайди.[18] Сўнгги йилларда электрон иш юритишнинг ривожланиши ҳам кўплаб бирикма терминларнинг юзага келишига сабаб бўлди: *электрон ҳужжат айланиши, электрон ҳужжатни жўнатувчи,*

[18]Худойберганова Д. Мустақиллик даврида иш юритиш лексикаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 2017. – № 4. – Б.16.

электрон ҳужжатнинг асл нусхаси ва ҳоказо. Бу терминлар, асосан, калькалаш йўли билан ҳосил қилинган бўлиб, янги тушунчалар билан бирга истеъмолга кириб келган.

Терминологияга оид ишларда бирикма терминлар икки компонентдан беш ва олти компонентлигача бўлиши кузатилади. Бирикма терминларнинг кўп компонентли бўлиши ҳужжатни тузишда ва тушунишда қийинчилик туғдиради. Биз иложи борича бу ҳолатни бартараф этиш керак деб ҳисоблаймиз. Диссертацияда фақат кенг тарқалган икки ва уч компонентли бирикма терминлар таҳлил қилинди. Иш юритиш терминологиясида бирикма терминларнинг асосан “от + от”, “сифат + от”, “равиш + от” моделлари кенгроқ қўлланади.

Икки компонентли бирикма терминлар. От + от: *абонентлар бўлими, муаллифлик ҳуқуқи;* сифат + от: *маъмурий фаолият, очиқ архив, виртуал қабулхона;* равиш + от: *дўстона ташриф, асоссиз айблаш, расмий қабул;* феъл + от: *ҳисоблаш маркази, тасдиқлаш устхати, бажарилиш санаси* каби. Баъзан айни бир хил сўзлар орасидаги грамматик воситалар ўзгариши сабабли бирикманинг модели ўзгариши мумкин: *биржа курси* – “от + от” // *биржавий курс* – “сифат + от”.

Уч компонентли бирикма терминлар. Иш юритиш терминологиясида уч компонентли бирикма терминлар миқдор жиҳатдан салмоқли ўрин тутади: *вақтбай иш ҳақи, ёпиқ акциядорлик жамияти, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, шахсий ҳужжатлар йиғмажилди* каби. Соҳада, оз бўлса-да, 4 ва 5 компонентли бирикма терминлар қўлланиши ҳам кузатилди: *ички меҳнат тартиботи қоидалари, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), электрон ҳужжатни қабул қилиб олувчи, ягона интерактив давлат хизматлари портали* каби.

2-бобнинг иккинчи бўлими иш юритиш терминологиясининг услубий-синтактик хусусиятларини таҳлил қилишга бағишланган. Расмий услуб тараққий этиши жараёнида, юқорида айтилганидек, ўзига хос ривожланиш йўлини босиб ўтган. Ҳужжатларнинг тарихий кўриниши ҳужжатнинг ким томонидан, кимнинг номига ёзилганлиги, матн, муҳр, сана каби қисмлардан тузилган. Бугунги ҳужжатларда ҳам ушбу қисмлар сақланиб қолган. Расмий иш услуби расмийлик, холислик, аниқлик, ихчамлик, лўндалик, мазмуний тўлиқлик каби қатор белгилари билан бошқа услублардан ажралиб туради.

Расмий иш услуби қонунлар тили, дипломатик ҳужжатлар тили ва иш қоғозлари тили каби йўналишларга бўлинади ва бу учала йўналиш бир-биридан баъзи жиҳатлари билан фарқланади. Ўзбек тилшунослигида қонунлар тили ва дипломатик ёзишмалар услуби маълум даражада

ўрганилган.[19] Лекин расмий услубнинг бу учала йўналиши бир-бирига қиёсан ўрганилмаган. Ишда иш қоғозлари услуби юқоридаги иккита йўналишга қиёсан ўрганилди ва улар ўртасидаги баъзи фарқли жиҳатлар ҳақида сўз юритилди. Расмий услубнинг бу учала йўналиши грамматик жиҳатдан ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Иш қоғозлари услубида ҳам, худди қонунлар тилидагидек, отларнинг эркалаш, ҳурмат шакллари, келишикларнинг тарихий ва поэтик шакллари ишлатилмайди. Иш юритиш соҳасини такомиллаштиришда иш қоғозлари услубининг синтактик хусусиятлари ҳам муҳим ўрин тутади.

Иш қоғозлари услубининг синтактик хусусиятлари иш қоғозлари матнига қўйиладиган расмийлик, холислик, аниқлик, лўндалик, ихчамлик, мазмуний тўлиқлик каби талаблардан келиб чиқиб шаклланади. Ҳар бир ҳужжат синтактик жиҳатдан ўзига хос қолиплашган гап шаклларига эгадир. Ҳужжатлар матнлари учун хос бўлган бу шакллар иш юритишни осонлаштиради, ҳужжат ёзувчининг ҳам, ҳужжатни қабул қилувчининг ҳам ишини анча енгиллаштиради. Иш қоғозлари услубида ўзлаштирма гап кўпинча ариза, тушунтириш хати каби ҳужжатларда қўлланади Ҳужжатлар матнида қўшма гапларнинг барча турлари қўлланганини кўриш мумкин. Иш қоғозлари матнида услуб талабидан келиб чиққан ҳолда пайт, сабаб, шарт ва тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапларнинг фаол қўлланиши кузатилади. Шу билан бирга, ҳужжат матнида эргашган қўшма гапларнинг баъзи турлари билан боғлиқ муаммолардан қутулиш ҳам анча қийин кечяпти. Масалан, ҳозирги кунда амалиётда аризани *“Аризани ёзишдан мақсадим шуки,...”* ёки *“Ушбуни ёзиб шуни маълум қиламанки,...”* каби жумлалар билан ёзиш ҳоллари ҳануз учраб туради. Бу жумлалар қўшма гапнинг кейинги қисмини, яъни асосий ахборотни актуаллаштирувчи сифатида қатнашиб, ҳеч қандай ахборот ташимайди. Ҳужжатлар матнига қўйиладиган қисқалик ва лўндалик талабига кўра бу жумлаларнинг қўлланиши ўринсиздир. Талаб даражасидаги ҳужжат матнида ҳар бир жумла ахборот ташишга хизмат қилиши керак, ўринсиз ва ортиқча бирликларни қўллаш иш юритишни қийинлаштиради, холос.

Учинчи боб “**Иш юритиш терминологиясини тартибга солиш масалалари**” деб номланган.

Ушбу бобнинг биринчи бўлимида “Давлат тили ҳақида”ги қонун ва ўзбек тили иш юритиш терминологияси ҳақида мулоҳазалар билдирилган. Ўзбек ҳужжатчилиги узоқ тарихни бошидан ўтказган, ўзига хос услуб ва шакллар асосида ривожланган бўлса-да, бу борадаги ишлар маълум вақт оралиғида узилиб қолди. Ўзбек тилида ҳужжатчилик ва унинг терминологиясини шакллантириш ва такомиллаштириш ишлари ҳақиқий

[19]Кўчимов Ш.Н. Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тили: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1995; Муҳиддинова Х.С., Абдуллаева Н.А. Расмий услубнинг дипломатик ёзишмалар тури. Тошкент, 1997.

маънода “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилингандан, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейингина бошланди.

